

масъулиятини ошириш лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, доимий назорат ва бирга ишлашнинг тизимли амалга ошириш бўйича тавсиялар берилган. Бугунги кун талабаси, бўлажак мутахассисларни Ўзбекистон тараққиётининг янги даври талаблари негизида ғоявий тарбиялаш, уларни мустақил касбий маънавий ҳаётга тайёрлаш – таълим-тарбия муассасаларининг барча бўғинларида фаолият кўрсатувчи ўқитувчи, устоз ва мураббийларнинг фаолиятига боғлиқлиги ҳам кенг ёритилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье показана необходимость повышения роли и ответственности классных руководителей, воспитателей, родительского совета, общественного совета, системы «учитель-ученик», организации Союза молодежи, тесно взаимодействующих с молодежью в формировании идеологического иммунитета в молодые люди. Также даны рекомендации по систематическому осуществлению постоянного мониторинга и сотрудничества. Идеологическое воспитание сегодняшних студентов, будущих специалистов на основе требований новой эпохи развития Узбекистана, подготовка их к самостоятельной профессиональной и духовной жизни зависит от деятельности преподавателей, наставников и тренеров на всех уровнях образовательных учреждений.

## SUMMARY

The article shows the need to increase the role and responsibility of class leaders, tutors, parents' council, public council, teacher-apprentice system, and the organization of the Youth Union, which work closely with young people in the formation of ideological immunity in young people. Recommendations for systematic implementation of continuous monitoring and cooperation are also given. Ideological education of today's students, future specialists based on the requirements of the new era of Uzbekistan's development, preparing them for independent professional and spiritual life depends on the activities of teachers, mentors and coaches at all levels of educational institutions.

УДК: 7.071.2

## МУСИҚАЛИ ТЕАТРДАГИ МАҚОМДОН АЁЛЛАР

(XX асрнинг биринчи ярми)

Н.Пирматова – доцент

*Йонус Ражабий номидаги ўзбек миллий musiқа санъати институти***Таянч сўзлар:** мусликий театр, маком, мумтоз асарлар, актёрлик, хонандалик, маком театри.**Ключевые слова:** музыкальный театр, маком, классические произведения, актерское мастерство, пение, театр макома.**Key words:** musical theater, makom, classical works, acting, singing, makom theater.

Ўзбек халқи азалдан санъатни севган, алоҳида меҳр билан ёндошган ва йиллар давомида бу бойлиқни ардоқлаб келган. Айниқса, мумтоз musiқаларимиз, макомларимизга бўлган халқимизнинг чексиз муҳаббати таҳсинларга лойиқдир. Ўзбек мумтоз musiқасининг ривожланишида эркак хонандалар билан бир қаторда аёл хонандаларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини эътироф этмоқ жоиз. Уларнинг мумтоз ашулаларимизни ижро этиш билан бир қаторда юртимизда фаолият олиб борган театрларда ижод қилганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай ижодкорлардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Аъзамовадир. Бу ижодкорнинг ҳаёти ҳақида тўхталмай, айнан театр соҳасида олиб борган фаолияти ва ижро этган асарлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Мавлуда Аъзамова ижодий фаолияти давомида халқ театрида ҳам ишлаган. У ерда Зийнат Фатхулнинг «Ғунчалар» пьесасида Гулнор образини яратади ва уни муваффақият билан ижро этади. Қайд этиш лозимки, Мавлуда Аъзамова биринчилар қаторида аёл образини сахнада яратиб ўйнаган санъаткор бўлиб тарихда қолди. У пайтларда халқ орасида санъатга қарашлар бошқача бўлган. Шунинг учун айниқса қизлар, аёллар театрда жуда кам бўлган. Аёл образлари эса эркаклар томонидан ўйналган [1:9]. Мавлуда Аъзамованинг бундай шароитда аёл образи билан сахнага чиқиши халқ орасида катта шов шувларга сабаб бўлди. Кимдир унинг бу ишини яхши деб қабул қилса, кимдир маъқулламас эди. Аммо Мавлуда Аъзамова гап сўзларга эътибор бермай ўз санъатини янада ривожлантиришда давом этди. Устозларидан бир қанча асарларни ўрганиб ижро этди ва халққа тақдим этди. Ана шундай асарлардан бири Мавлуда Аъзамова ижросидаги «То муҳаббат» ашуласидир. Бу асарнинг мусликий йўли мураккаб тузилган. Асар тез суръатда ижро қилиниши керак. Шунинг учун ҳам унинг сўзларини талаффуз қилиш қийин. Буни бугунги кунда ҳамма хонандалар ҳам уддалай олмайдди. Мавлуда Аъзамованинг ижроси эса бу борада жуда рисоладагидек чиққан. Ушбу асарнинг дутордаги ижроси ҳам мукамал. Асарни бутунича тинглай туриб, Мавлуда Аъзамова дутор чоғусининг ҳам моҳир ижросисига айланган дегер бемалол айта оламиз.

Мавлуда Аъзамова ижро этган асарлардан яна бири «Чўли Ироқ». Бу асарни дастлаб Орифхожи Алимахсумов, кейинчалик кўплаб аёл хонандалар ҳам

ижро этишди. Улар орасида Мавлуда Аъзамова ҳам бор. Мавлуда Аъзамова талқинида «Чўли Ироқ» янада гўзал, сержило, бебаҳо дурдона асарга айланган. Чўли Ироқ ҳақида не не musiқашунос, шоирлар илмий изланишлар, шеърлар яратишмаган. Мавлуда Аъзамова қайси асарни ижро этмасин, албатта унга ўзгача меҳру муҳаббат билан ёндошган ва қалб кўри билан ижро этган. Шунинг учун ҳам унинг ижросидаги асарлар халқимиз томонидан бугунги кунда ҳам севиб тингланади ва ёш ижрочилар томонидан ижро этилади. Театрда ўйнаган роллари эса санъатимиз тарихида ўчмас из қолдиради.

Бетақдор овозга, ижро маҳорати эга бўлиш билан бирга Мавлуда Аъзамова талқинида қойилмаком ижро этиб халқимизнинг олқишига сазовор бўлган яна бир аёл ижодкор Назира Юсуповадир. 1944 йилдан Назира Юсупова вилоят театрига ишга тақлиф этилган ва шу даврдан бошлаб ёш хонанда концертларда ўзбек мумтоз ашулаларидан «Феруз», «Талқини Рост», «Ёрни гули галди», «Рост Фарёди», «Ушшоқ» каби асарларни қуйлаб мухлислар олқишига сазовор бўла бошлади. Назира Юсупованинг жозибали «халқумли» овози ўзига хос бўлиб, у ижро этган ашулаларни, бошқа аёл хонандалар у даражада маромига етказиб ижро қила олмаганлар. Бунинг ёрқин мисолини «Феруз» асарида яққол пайқашимиз мумкин. Назира Юсупова талқинидаги «Феруз» мутахассислар томонидан, бошқа, ҳатто эркак хонандалар талқиниданда юксак баҳога лойиқ топилган. «Феруз» дарҳақиқат, аёл ижрочилари орасида Назира Юсупова талқинида жуда беназир. Ўзига хос яратилиш тарихига, ижро қонуниятларига, қатъий тартибига эга бўлган бундай асарни ижро этиш хонандадан маҳорат, жасорат, истеъдод, қучли овоз ўзига хос ижро услуби ва улкан юрак талаб этилади. Демак, Назира Юсуповани ана шундай ижрочилар қаторига қиритиш мумкин.

Назира Юсупова театрда ҳам хонанда, ҳам актриса сифатида танила бошлади. У ҳамisha халқ хизматида бўлди. Халқнинг кўнглидан жой олишга, уларни бетақдор асарлардан баҳраманд этишга ҳаракат қилди. Бу интилишлар бесамар кетмади, албатта. У 1950 йили ўзбек театр санъати ривожини йўлидаги хизматлари учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

Маком хонандалиги ва актрисалик фаолиятини қойилмаком олиб борган яна бир аёл ижодкор Зайнаб Полвоновадир. У Избоскан тманида тузилган musiқали

театрдаги фаолиятини 1939 йилдан бошлаган. Айнан мана шу фаолият Зайнаб Полвоновани катта санъат ҳаётига олиб кирди. Санъат соҳасидаги илк қарашлар, сахна сирлари, устозлар сабоғидан мана шу ерда баҳраманд бўлди.

Зайнаб Полвонова театрда кўп роллар ижро этишга муяссар бўлди. Ижро этган роллари, яратган образлари унинг фаолиятида жуда катта аҳамият касб этади. У «Гулсара»да Ойсара, «Аршин мол-олан»да Жаҳон хола, «Ҳалима»да Руқия опа каби ўнлаб ролларни ижро этади. Шундан сўнг унинг театр соҳасидаги фаолияти анча оммалашади. Уни Андижон ва Кўкон театрларида ҳам хонанда сифатида ишлашга таклиф этишади. Шундан сўнг Зайнаб Полвонова бошқа вилоятлар театрларида ҳам фаолият олиб бора бошлайди [1:8]. Зайнаб Полвонованинг репертуарида аввалига лапарлар бўлган бўлса, кейинчалик “Самарқанд ушшоғи”, “Феруз”, “Талкини баёт” каби мумтоз асарлар ҳам ўрин ола бошлади.

Театрда фаолият юритиб, ўзбек мумтоз мусикасининг, мақомларимизнинг ривожланишига ўзининг гўзал овози, маҳорати, истеъдоди билан хиссасини қўшган аёл ижодкорлардан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улар орасида яна Ҳабиба Охунова, Фотима Борухова, Коммуна Исмоилова, Ҳалима Носирова, Султонпошша Раҳимовалар ҳам бор. Уларнинг ҳар бирининг ижодини ўрганар эканмиз ўзбек халқининг ғурури саналган мақомларимизни профессионал дражада ижро этиш билан бир вақтда топширилган рольни юксак маҳорат билан

ўйнаганликларининг гувоҳи бўламиз. Бугунги кунда ёш хонандаларимиз ёки мусикали театр актрисалари орасида улар каби ижод қила оладиган, маҳорати билан тенглаша оладиганлари топиладими? Бу албатта бизнинг энг оғрикли нуқталаримиздан биридир. Ушбу муаммо мақом театрларини ташкил этиш ва у ерда спектакллари сахналаштириш жараёнида юзага калқиб чиқа бошлади. Марғилон шаҳар мақом театри фаолиятини ҳам кузатар эканмиз бунинг яққол далилини кўрамиз. Албатта ушбу театрнинг бажараётган ишлари таҳсинларга лойик. Асарлар жуда гўзал ва профессионал тарзда ижро этилмоқда, роллар маромига етказилмоқда. Аммо эътибор берадиган бўлсак, мусикий сахналарни фақат мақомдон хонандалар ижро этишмоқда, актёр ва актрисалар эса фақатгина роль ўйнамоқдалар. Яъни хонандалар ролларни актёрлик маҳорати билан, актёр ва актрисалар эса мусикий асарларни профессионаллик билан ижро эта олмаяптилар. Аммо бу албатта ечими бор бўлган масаладир. Бунинг учун кўпроқ маҳорат дарсларини ташкил қилиш ва олий таълимда таҳсил олаётган бўлажак мақом хонандаларига актёрликдан, бўлажак актёрларга мақом ижрочилигидан ҳам сабоқ берилса нур устига аъло нур бўлар эди. Бу борада барча талабаларга, ижодкорларга муваффақиятлар тилаб қоламиз ва келажакда Назира Юсупова, Мавлуда Аъзамова, Зайнаб Полвонова, Ҳабиба Охунова, Фотима Борухова, Коммуна Исмоилова, Ҳалима Носирова, Султонпошша Раҳимовалар каби маҳоратли хонанда-актрисаларимиз етишиб чиқади деган умиддамиз.

#### Адабиётлар

1. Бўриева К. Анъанавий хонандалик (аёллар овозлари учун). Академик лицей ва коллеж ўқувчилари учун ўқув-услубий кўланма. –Тошкент: 2008.
2. Матёкубов Ш. Анъанавий хонандалик асослари. –Тошкент: 2022.
3. Ражабий Ю. Ўзбек халқ мусикаси. I-V томлар. –Т.: 1957-1959.
4. Ражабов И. Мақомлар. –Т.: 2006.
5. Эрматов М. Анъанавий хонандалик. –Т.: 2003.
6. Юсупов М. Ўзбек халқ мусикаси (Хоразм ашуллари). –Т.: 1962.

#### РЕЗЮМЕ

Театр ва мақом уйғунлиги бугунги кунда ўзгача замонавий тус олди. Бу эса ўзбек миллий мусика санъатининг, мақомларимизнинг янада кенг тарғиб қилинишига катта туртки бўлди. Аслида XX асрнинг биринчи ярмида мусикали театрда фаолият олиб борган ижодкорлар ҳам актёрлик, ҳам мақом ижрочилигидан профессионал даражада бохабар бўлганлар ва ҳар қандай ролни қойилмақом ижро этганлар. Ушбу мақолада XX асрнинг биринчи ярмида мусикий театрда ижод қилган хонанда аёллар ҳақида маълумотлар берилади. Шу билан бирга ушбу мавзуга оид долзарб масалага ҳам тўхталиб ўтилади.

#### РЕЗЮМЕ

Сочетание театра и макома сегодня получило необычный современный оттенок. Это придало большой импульс более широкой пропаганде узбекского национального музыкального искусства, нашего макома. На самом деле в первой половине XX века творческие люди, работавшие в музыкальном театре, профессионально занимались как актерским мастерством, так и макомным исполнением, и блестяще играли любые роли. Данная статья расскажет о женщинах-певицах, работавших в музыкальном театре в первой половине XX века. В то же время будет затронут актуальный вопрос на эту тему.

#### SUMMARY

The combination of theater and makoms and today has received an unusual modern shade. This gave a great impetus to the wider promotion of the Uzbek national musical art, our makom. In fact, in the first half of the twentieth century, creative people who worked in musical theater were professionally engaged in both acting and makom performance, and brilliantly played any role. This article will tell about female singers who worked in musical theater in the first half of the XX century. At the same time, a topical issue will be touched upon on this topic.

### ИЗУЧЕНИЕ В КАРАКАЛПАКСКОЙ ФОЛЬКЛОРИСТИКЕ ИСТОРИЧЕСКИХ ПЕСЕН КАРАКАЛПАКСКОГО НАРОДА

Б.Турдыев – преподаватель

Нукусский филиал Узбекского государственного института искусств и культуры

**Таянч сўзлар:** реалистик хусусият, бадий тадқиқ, манба, когнитив, ғайриоддий очерклар, фундаментал тасниф, хронологик этнограф, Олтин Ўрда.

**Ключевые слова:** реалистическая черта, художественное исследование, источник, познавательный, неординарные очерки, фундаментальная классификация, хронологический этнограф, Золотая Орда.

**Key words:** realistic feature, literary analysis, source, cognitive, extraordinary essays, fundamental classification, chronological ethnographer, Golden Horde.

Каракалпакский народ имеет древнюю и богатую историю. Он известен всему миру своей национальной культурой, своеобразным искусством, классической литературой, духовными ценностями и традициями.

Актуальной является на современном этапе развития исторической науки Каракалпакстана найти наиболее эффективные пути использования достижений художе-

ственной литературы, словесного искусства каракалпак-ков в интересах исторической науки, в целях воспитания историй. Исторические песни каракалпак-ков являются продуктом поэтического творчества народа, порой смыкавшейся с фольклором. Поэтические памятники, поэтические документы эпохи — так нередко называют исторические песни, отобразившие существенные черты